

## PRINCIPLES OF DEVELOPMENT OF EDUCATIONAL WORK ON THE BASIS OF MODERN APPROACHES IN EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Sultanov Gayrat Sharifovich

Independent researcher

Teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

### ABSTRACT

The article discusses the principles of development of educational work in educational institutions on the basis of modern approaches and analyzes it to increase the effectiveness of educational work.

**Keywords:** pedagogy, education, quality of education, teaching effectiveness, management theory.

## ПРИНЦИПЫ РАЗВИТИЯ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ПОДХОДОВ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЯХ

Султанов Гайрат Шарифович

Независимый исследователь

Преподаватель Чирчикского государственного педагогического института

**Аннотация:** В статье рассматриваются принципы развития воспитательной работы в общеобразовательных учреждениях на основе современных подходов и проводится ее анализ для повышения эффективности воспитательной работы.

**Ключевые слова:** педагогика, образование, качество образования, эффективность обучения, теория управления.

## ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВЛАР АСОСИДА ТАРБИЯ ИШИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Султанов Гайрат Шарифович

Мустақил тадқиқотчи

Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

**Аннотация:** мақолада таълим муассасаларида замонавий ёндошувлар асосида тарбия ишини ривожлантириш тамойиллари кўриб чиқилган ва тарбия ишини самарадорлигини ошириш бўйича таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** педагогика, таълим тарбия, таълим сифати, ўқитиш самарадорлиги, бошқариш назарияси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълими тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3931-сонли қарори билан тасдиқланган “2018-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикаси халқ таълими тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг II бўлим, 11-бандида – умумий ўрта таълимнинг янги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш белгилаб берилган.

Ҳар бир жамиятнинг тараққиёти ва истиқболи таълим тизимининг жадал ривожланиши, ижтимоий ҳаёт, ишлаб чиқариш билан ўзаро мувофиқ келиши, жаҳон таълимининг энг юқори натижаларига тенглаша олиши, давр талабларига жавоб бериши ва мавжуд субъектив эҳтиёжларни қай даражада қондира олишига бевосита боғлиқ. Таълим тизимида рўй бераётган туб ўзгаришлар, ўқитиш мазмунининг тобора янги ғоя ва қарашлар билан бойиб бораётганлиги, ёш авлод интеллектуал салоҳиятини оширишга хизмат қилувчи янги технологияларнинг яратилаётганлиги, таълим олувчиларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш, уларни “оммавий маданият” таъсирида ҳимоялаш заруриятининг юзага келаётганлиги “Педагогика назарияси ва тарихи” фани имкониятларидан самарали фойдаланиш натижаларига ҳам боғлиқ. Шунга кўра ушбу фан асосий ихтисослик фанларидан бири бўлиб, малакали педагог кадрлар тайёрлаш тизимининг муҳим бўғини ҳисобланади. Фанни ўқитиш жараёнида шахсга йўналтирилган таълим турлари (дастурий, модул, инноватсион, интерфаол, муаммоли, ривожлантирувчи, масофавий ва мустақил таълим, ўйин технологиялари), ўқитишнинг самарали шакллари, замонавий методлари, воситалари, педагогик ва ахборот технологияларини мунтазам қўллаш назарда тутилган.

Ўқитувчи – гуруҳдаги ўқув-тарбия жараёнининг ташкилотчисидир. Педагог-ўқитувчи ўқувчилар учун дарс пайти, дарсдан ташқари ва тарбиявий тадбирларни ташкил этиш, ўтказиш ўқувчиларга керакли маслаҳатлар беришда билимлар манбаи бўлиши лозим. Кўпчилик ўқитувчилар синф раҳбари вазифасини бажариб, тарбия жараёни ташкилотчилари бўлиб ҳисобланадилар.

Маълумки, педагогик фаолият – киши меҳнатининг энг мураккаб соҳаларидан биридир. Замонавий педагог руҳий-педагогик асослардан, педагогик технологиядан, ўқитиш методикасидан, ижтимоий психологиядан хабардор бўлиши лозим. Бу эса унинг касбий маҳоратини юксалтиради. Ўқитувчи – педагогнинг ўзига хос хислатларга эга бўлиши унинг касбий сифатларга эга эканлигидан далолат беради.

Ўқитувчининг энг муҳим шахсий хислатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ўқитувчининг ўз Ватанига содиқлиги, ўқувчиларни севиши, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш истаги, ўз юрти, она тили, ўз халқининг тарихи ва унинг маданиятини севиши, давлатнинг мустақиллиги ғоясида яшаши ва ижод қилиши;
- ижтимоий жавобгарликни юксак даражада ҳис этиши;
- олийжаноблиги, ақл-фаросатли, маънавий поклиги, бундай хислатларни жамият талаблари асосида ўқувчиларга сингдириб бориши;
- ўз-ўзини назорат қила олиши, сабрли-қаноатли, чидамли ва матонатли бўлиши.

Жамиятнинг педагогика касбига қўядиган асосий талаблари қуйидагичадир:

- шахсни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий томондан тарбиялашнинг, миллий уйғониш мафкурасининг ҳамда умуминсоний бойликларининг моҳиятини билиши, ўқувчиларни мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашни билиши, ўз Ватани, табиатга ва оиласига бўлган муҳаббати;
- кенг билим ва савияга эга бўлиши, турли билимлардан хабардор бўлиши;

- ёш педагогик-психология, ижтимоий психология ва педагогика, ёш физиологияси ҳамда мактаб гигиенасидан чуқур билимларга эга бўлиши;
- ўзи дарс берадиган фан бўйича мустақкам билимга эга бўлиб, ўз касбининг фидойиси ҳамда шу соҳада жаҳон тажрибасида оммалашган энг ижобий ютуқлардан муаммолардан хабардор бўлиши;
- таълим ва тарбия методикасини эгаллаши;
- ўз ишига ижодий ёндашиши;
- ўқувчиларни билиши, уларнинг ички дунёсини тушуна олиши;
- педагогик техникани (мантиқ, нутқ, таълимнинг ифодали воситалари) ва педагогик тактикага эга бўлиши;
- ўқитувчининг ўз билим ва педагогик маҳоратини доимий равишда ошириб бориши кўзда тутилади.

Республикамиз ҳукумати халқ таълими соҳасида ўртага қўяётган вазифаларни бажариш кўп жиҳатдан ўқитувчига боғлиқ. Ҳозирги шароитда таълим тарбиядан кўзда тутилаётган мақсадларга этишиш, ўқувчиларнинг хилма-хил фаолиятларини уюштириш, уларни билимли, эътиқодли, меҳнатсевар, баркамол инсон қилиб ўстириш талаба-ёш зиммасига юклатилган халқимизнинг келажаги, мустақил ўзбекистоннинг истиқдоли кўп жиҳатдан ўқитувчига, унинг савиясига, тайёргарлиги, фидойилигига, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш ишига бўлган муносабатига боғлиқ. Ҳозирда узлуксиз педагогик таълим ғояси амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш иши давлат ва жамоатчилик диққат марказига қўйилди.

Мактаб ҳаёти амалий педагогик жараён эса жуда хилма-хилдир. Педагогик назарияга мос келмайдиган вазиятлар учраб туради. Бу эса ўқитувчидан кенг билимдонликни, пухта амалий тайёргарлик, юксак педагогик маҳорат ва ижодкорликни талаб этади. Шунинг учун ҳам мустақил ўзбекистон давлатининг умумий таълим мактабида ишлайдиган ўқитувчи педагогик фаолиятга қобилиятли ижодкор, ишбилармон; миллий маданият ва умуминсоний, дунёвий билимларни мукамал эгаллаган диний илмлардан ҳам хабардор, маънавий баркамол; ўзбекистоннинг мустақил давлат сифатида тараққий этишига ишонадиган ватанпарварлик бурчини тўғри англаган эътиқодли фуқаро; ихтисосга доир билимларни, психологик педагогик билим ва маҳоратли шунингдек, назарий ишларни мукамал эгаллаган бўлиши керак

Бирор касбнинг ҳақиқий устаси бўлиш учун кишида табиий қобилият, маълум жисмоний ва руҳий ҳислатлар жо бўлиши керак. Педагогик ўқитувчилик фаолиятини ёшларни ўқитиш ва тарбиялаш ишини самарали бажариш, ота-оналар ва болаларни иззат-ҳайратига сазовор бўлиши учун ҳам кишида қобилият, маҳорат, қизиқиш бўлмоғи лозим. Тарбия жараёнида тарбиявий таъсир кўрсатишнинг қуйидаги усулларида фойдаланилади: болага қўйилган талаб, педагогик таъсир кўрсатиш, ўқув тарбия жараёнида ўқитувчи ўз мақсадига эришиш учун доимо ўқувчиларга ўз талаблари билан ёндашади. Уларни рағбатлантиради, огоҳлантиради, танбеҳ беради.

Ўқитувчининг педагогик асосда қўйилган талабларни тушунтириш нозуя ҳаракатлардан болаларни сақлаш, айниқса кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини мактаб ва жамоада мослашгунча кетма-кет талаблар қўйилади. Бу эса болаларни яхши ўқиши, тартиб интизомини янада мустақкамлайди.

Педагогик фаолият самарадорлигини ошириш, педагогларнинг ижтимоий буюртмани бажаришга шахсан ҳисса қошишларини таъминлашда уларнинг касбий малакаларини ошириб боришлари муҳим аҳамият касб этади. Педагогларнинг касбий малакаларини ошириш ёлида ташкил етадиган амалий ҳаракатларининг самарасини улар томонидан интеграцион фаолият малакаларининг муваффақиятли ошлаштирилиши билан белгилаш мумкин. Мустақиллик йилларида таълим тизимида ҳам жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида болгани каби туб ислохотлар амалга оширилди. Ислохотлардан кутилган асосий натижа соҳада янгича қарашларни қарор топтириш, жаҳон стандартларига мувофиқ малакали кадрларни тайёрлаш, оқитиш сифати, тарбия самарадорлигини юқори босқичларга қотариш борасида юзага келган ижтимоий еҳтиёжни қондиришдан иборатдир.

Баркамол инсонни тарбиялаб вояга йетказиш айнан мана шу тизим асосида роёбга чиқарилади. Шу боис таълим тизимида замонавий илм-фан, техника ва технология ривожига уйғун равишда таълим – тарбия мазмунини янгилаб бориш муҳим талаблардан биридир. Мустақилликдан сонг оқтан вақт мобайнида ушбу талабни инобатга олиш орқали таълим-тарбия мазмунига интеграцион гояларни сингдиришга жиддий етибор қаратила бошланди. Бу ёналишда, яъни –интеграция тушунчасининг моҳиятини ораниш, интеграцион жараёнлар мазмунини таҳлил қилиш, педагогик интеграцияларнинг озига хос хусусиятларини ораниш, Озбекистон шароитида педагогик интеграцияларни яратиш учун зарур шароитларни вужудга келтириш, мавжуд педагогик интеграцияларни умумлаштириш ва оммалаштиришдан иборатдир. Ҳозирги даврда таълим- тарбия тизимида интеграцион жараёнлар жуда тезкор даражада ривожланмоқда. Таълим-тарбияни интеграционлаштириш бевосита, геополитик регионлар доирасида амалга оширилиб, бунда тарихий у ёки бу даражада ижтимоийиқтисодий шароитлари яқин ёки охшаш турадиган мамлакатларнинг таълим-тарбия тизимини бирлаштирмоқда. Бугунги кунда таълим- тарбия соҳасида интеграцион жараёни амалга ошириш учун ягона озига хос механизми яратилган. Бу соҳада Озбекистонда маълум натижаларга еришилган болиб, бу натижалар самараси натижасида Озбекистон ва Йевропа давлатлари учун ҳам намуна бола оладиган енг қулай таълим тизими моделини яратишга ҳаракат қилинмоқда. Таълим- тарбияда интеграцион жараёнлар алоҳида аҳамият касб этади. Бу ахлоқий ва естетик тарбиянинг интеграциялашган тизими муаммосини ҳам ҳал қилиш имкониятини беради.

Педагогик жараён - бу таълим ва тарбиянинг бирлиги ва ўзаро боғлиқлигидаги яхлит таълим жараёни бўлиб, унинг субъектларининг биргаликдаги фаолияти, ҳамкорлиги ва биргаликда яратилиши билан тавсифланади, шахснинг енг тўлиқ ривожланиши ва ўзини ўзи англашига ёрдам беради. Таълим муассасаларида педагогик жараён қўлланилиши бу катталарнинг педагогик фаолияти билан ўқувчининг фаол ҳаёти натижасида ўз-ўзини ўзгартириши ўртасидаги мақсадли, мазмунга бой ва ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган ўзаро таъсир, педагогларнинг йетакчи ва йўналтирувчи роли ҳисобланади.

Ҳозирги кунда таълим жараёнида интерфаол услублар (инновасион педагогик ва ахборот технологиялари)дан фойдаланиб, таълимнинг самарадорлигини қотаришга бўлган қизиқиш, етибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Замонавий технологиялар

қўлланилган машғулотлар ўқувчилар егаллаётган билимларни ўзлари қидириб топишларига, мустақил ўрганиб, таҳлил қилишларига, хат о хулосаларни ҳам ўзлари келтириб чиқаришларига қаратилган. Ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олиши ва тарбияланишига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик, йўналтирувчилик вазифасини бажаради. Бундай ўқув жараёнида ўқувчи асосий фигурага айланади. Бугунги кунда таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишга алоҳида еътибор берилаётганининг асосий сабаби қуйидагилардир:

Биринчидан, педагогик технологияларда шахсни ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш имкониятининг кенглигида —Таълим тўғрисидаги Қонунда ривожлантирувчи таълимни амалга ошириш масаласига алоҳида еътибор қаратилган.

Иккинчидан, педагогик технологиялар ўқув-тарбия жараёнига тизимли фаолият ёндашувини кенг жорий етиш имкониятини беради.

Учинчидан, педагогик технология ўқитувчини таълим-тарбия жараёнининг мақсадларидан бошлаб, ташхис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Ўқув-тарбия жараёнида педагогик технологияларнинг тўғри жорий етилиши ўқитувчининг бу жараёнда асосий ташкилотчи ёки маслаҳатчи сифатида фаолият юритишига олиб келади. Бу еса ўқитувчидан кўпроқ мустақилликни, ижодни ва иродавий сифатларни талаб етади. Педагогик технология асосида ўтказилган машғулотлар ёшларнинг муҳим ҳаётий ютуқ ва муаммоларига ўз муносабатларини билдиришларига интилишларини қондириб, уларни фикрлашга, ўз нуқтаи назарларини асослашга имконият яратади. Ҳозирги даврда содир бўлаётган инновасион жараёнларда таълим тизими олдидаги муаммоларни ҳал етиш учун янги ахборотни ўзлаштириш ва ўзлаштирган билимларини ўзлари томонидан баҳолашга қодир, зарур қарорлар қабул қилувчи, мустақил ва еркин фикрлайдиган шахслар керак. Шунинг учун ҳам, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнида замонавий ўқитиш услублари интерфаол услублар, инновасион технологияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Педагогик технология ва уларнинг таълимда қўлланишига оид билимлар, тажриба ўқувчиларни билимли ва йетук малакага ега бўлишларини таъминлайди.

Интерфаол усулларни яна бошқача таърифлайдиган бўлсак интерфаол таълим жараёнида дарс ўқувчиларнинг ўзаро мулоқотлари асосида амалга оширилади. Интерфаол метод — таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар ўртасидаги фаолликни ошириш орқали уларнинг ўзаро ҳаракати, таъсири остида билимларни ўзлаштиришни кафолатлаш, шахсий сифатларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ушбу усулларни қўллаш дарс сифати ва самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Унинг асосий мезонлари — норасмий баҳс-мунозаралар ўтказиш, ўқув материални еркин баён етиш, мустақил ўқиш, ўрганиш, семинарлар ўтказиш, ўқувчиларни ташаббус кўрсатишларига имкониятлар яратилиши, кичик гуруҳ, катта гуруҳ, синф жамоаси бўлиб ишлаш учун топшириқ, вазифалар бериш, ёзма ишлар бажариш ва бошқалардан иборат. бу — ўзаро икки киши фаоллиги, яъни, бунда ўқув-билув жараёни ўзаро суҳбат тариқасида, диалог шаклда (компютер алоқаси) ёки ўқитувчи-ўқувчиланинг ўзаро мулоқотлари асосида кечади. Интерфаоллик — ўзаро фаоллик, ҳаракат, таъсирчанлик, ўқувчи-ўқитувчи,

ўқувчи-ўқувчи (субъъект-субъект) суҳбатларида содир бўлади. Интерфаол методларнинг бош мақсади — ўқ жараёни учун энг қулай муҳит вазият яратиш орқали о ўқувчининг фаол, еркин, ижодий фикр юритиш, уни еҳтиёж, қизиқишлари, ички имкониятларини ишга солишга муҳит яратади. Бундай дарслар шундай кечадики, бу жараёнда биронта ҳам о ўқувчи четда қолмай, ешитган, ўқиган, кўрган билган фикр- мулоҳазаларини очиқ- ойдин билдириш имкониятига ега бўладилар. Ўзаро фикр алмашиш жараёни содир бўлади. Болаларда билим олишга ҳавас, қизиқиш ортади, ўзаро дўстона муносабатлар шаклланади. Интерфаол таълим ўз хусусиятига кўра дидактик ўйинлар орқали, евристик (фикрлаш, излаш, топиш) суҳбат-дарс жараёнини лойиҳалаш орқали, муамоли вазиятни ҳосил қилиш ва йечиш орқали, креативижодкорлик асосида, ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида амалга ошириш методларини ўз ичига олади. Демак, интерфаол таълим технологиялари ва унинг муҳим таркийй елменти бўлган интерфаол методлар таълим жараёнини ташкил етиш кўрсаткичларининг ўзгаришини таъминлайди. Зеро, замонавий таълим доимий равишда фан ва технология ривожии билан боғлиқликда таълим мақсади, мазмуни, шакл, метод ва воситаларининг янгилашиб боришини талаб қилади.

Ўқитувчи инновацион фаолиятининг энг муҳим ва марказий масаласи ўқув жараёнини самарали ва сифатли ташкил етишдан иборат. Инновацион фаолиятда педагогик янгиликлар: ўқитишнинг янги усул ва методларининг яратилиши ва қўлланилиши ўқув жараёнининг самарали ва сифатли ташкил етилишини таъминлайди.

Педагогик янгилик - педагогик фаолиятда илгари таълим жараёнида номаълум бўлган ўзгаришларни киритиш орқали таълим ва тарбиянинг назария ва амалиётини бойитиш ва уни ривожлантирувчи воситасидир.

Шу сабабли ўқувчиларнинг ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган дарс машғулотларидан бўш вақтларини тўғри ташкил этиш, ундан оқилона фойдаланишда уларга ёрдам бериш зарур. Барча шакллардаги дарсдан ва мактабдан ташқари ишларнинг чуқур ички моҳияти ўқувчиларни ижтимоий фойдали фаолиятга фаол жалб қилиш, уларнинг ташаббуси ва мустақиллигини рағбатлантириш, индивидуал қизиқишлари, майл ва қобилиятларини ривожлантиришдан иборат

Дарсдан ташқари машғулотларда тарбиянинг асосий вазифаси шахснинг ақлий, ахлоқий, эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиши, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир.


- ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишни шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

- ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тобора ривожлантириб, бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларини шакллантириш;

- ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, инсон фаолиятининг турли соҳаларида жорий қилиб кўриш; болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

- инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир-бирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафқатлилик, ирқий ва миллий камситишларга тоқатсизлик), муомала одоби каби касбий тарбия воситалари (ноҳақликка, ёлғончиликка, тухмат, чақимчиликга тоқатсизлик);
- ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан ўзаро муносабат мулоқотини ўрганиш, ўз халқига, давлатига содиқлик, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадҳиясига, Президентига садоқат руҳида тарбиялаш;
- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойилик, экологик таълим-тарбия бўйича билимлар бериш;
- мустақил давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо бериш, унинг тинчликсеварлик, ошкоралик ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очиқ ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунтириш;
- турмушда олий қадрият ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш;
- соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;
- ёшларимизни эркин, мустақил фикрлашга ўргатиш зарур.

Таълим жараёни қандай шаклда ташкил этилишидан қатъий назар қуйидаги 1- шаклда келтирилган шартларга жавоб бериши талаб қилинади



Хулоса қилиб шунни айтиш керакки таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш учун ўқитишга энг замонавий педагогик технологияларни қўллаш услубларини ишлаб чиқиш, билим ва

кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш, уларни таълим тизимига жорий қилишнинг самарали шакллари ишлаб чиқиш зарур. Касбхунарга тайёрлаш ўқувчиларни баркамол шахс сифатида тарбиялаш, ижодкорлик қобилиятлари, кўникма ва шахс хислатларининг шаклланишида муҳим босқич бўлиб, ўқув фанлари ва дарсдан ташқари машғулотларга ижодий ёндашиш, таълим жараёни ҳамда касбий тарбияни муаммоли таълим асосида умумлаштиришга асос бўлади.

## REFERENCES

1. Eshnazarova, M., Toshboyev, S. (2020). Pedagogical Basis and Organization of Distance Learning in Modern Educational. *The American Journal of Social Science and Educational Innovations*, 2(2), 614-619.
2. Эшназарова, М. Ю., Тошбоев, С. М. (2020). Замонавий таълимда масофавий ўқитишнинг педагогик асослари ва ташкил этилиши. *Современное образование (Узбекистан)*, 10(95), 18-24.
3. Kushakova, M. N. (2020). Main directions of credit policy during the COVID-19 PANDEMY. *European Journal of Molecular & Clinical Medicine*, 7(2), 1836-1839.
4. Kushakova, M. N. (2020). Financial planning problems in enterprises. *EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues*, 8(5), 20-21.
5. Dzhumanova, A. B., Kushakova, M. N., Khodzhaeva, N. A. (2019). Formation of accounting management information in the control system of enterprises of JSC «Uzbekistan Railways. *International Journal of Advanced Science and Technology*, 28(14), 32-36.
6. Xalmatova, D. A. (2022). Formation of Ecological Consciousness and Culture among Young People and Developing Their Skills of Rational Approach to the Environment. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 2(4), 4-7.
7. Akhmedov, B. (2022). Methodology of Teaching Informatics in Cluster Systems. *International Journal of Innovative Research in Science Engineering and Technology*, 11(4), 3485-3491.
8. Akhmedov, B. A. (2022). Analysis of the reliability of the test form of knowledge control in cluster education. *Psychology and Education*, 59(2), 403-418.
9. Khalmatova, D. A. (2022). How we can improve ecological culture among pupils of 9-11-grades. *Oriental renaissance Innovative educational natural and social sciences*, 2(2), 72-77.
10. Xalmatova, D. A. (2021). Darsdan tashqari ta'lim jarayonida o'quvchilarda ekologik madaniyatni shakllantirish (9-11) sinflar misolida. *BOSHLANG'CH TA'LIM SIFAT VA SAMARADORLIGINI OSHIRISH*, 1(5), 420-422.
11. Khalmatova, D. A. (2021). Formation of ecological culture in students in the process of extracurricular activities on the example of grades (9-11). *АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ СОВРЕМЕННОЙ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ*, 1(1), 201-203.
12. Akhmedov, B. A. (2022). Analysis of the reliability of the test form of knowledge control in cluster education. *Psychology and Education*, 59(2), 403-418.
13. Ayupova, F. M., Saidjalilova, D. D., Muminova, Z. A., Hodjaeva, D. N. (2020). The nature of distribution of fetal extracellular dna during physiological pregnancy. *Central Asian Journal of Medicine*, 2(1), 20-28.



14. Ayupova, F., Mirzaeva, D., Saidjalilova, D. (2019). EP1062 Hyperplastic processes in hormone-dependent organs in women after IVF. *International Journal of Gynecologic Cancer*, 29(Suppl 4), 559-560.
15. Ayupova, F., Mirzaeva, D., Saidjalilova, D. (2019). EP664 The effectiveness of the procedure of IVF in patients with uterine myoma. *International Journal of Gynecologic Cancer*, 29(Suppl 4), 385-386.
16. Ayupova, F. M., Saidjalilova, D. D., Muminova, Z. A., Hodjaeva, D. N. (2019). The Interdependence of Fetal and Maternal Extracellular DNA in Pregnant Women with Fetal Malformations. *Central Asian Journal of Medicine*, 2019(3), 45-50.